O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №


# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

• 2010-yil • 10-iyul • Shanba • 80 (31.200) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 45 215 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 88 845 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 45 215 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 88 845 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 54 265 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Белгилансинки, 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб барча турдаги пенсияларнинг ўртача 1,2 баравар оширилиши уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қайта ҳисоблаб чиқилишини инобатга олган ҳолда амалга оширилади, бунда 1991 йилнинг 1 январигача ва ундан кейинги йилларда тайинланган пенсияларнинг миқдори тенглаштирилиши назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўн кун муддатда пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда барча турдаги пенсияларни оширишнинг аниқ миқдорларини белгиласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

6. Қуйидаги тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар:

бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи оширилиши 90 фоиз миқдорида республика давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳамда 10 фоиз миқдорида бюджет муассасалари ва ташкилотлари сметалари бўйича харажатларни мақбуллаштириш ҳисобидан;

пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши республика давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

7. Хўжалик ҳисобидаги бирлашма, корхона ва ташкилотлар 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 16 ноябрдаги ПФ-4152-сонли Фармони (8-банди истисно қилинган ҳолда) 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2010 йил 9 июль*

**ЎзХДП ҳаёти** ■ Сиёсий партиялар фаолиятида янги сиёсий технологиялардан, электорат билан ишлашнинг замонавий усулларидан кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бу биринчи навбатда сиёсий куч фаолиятини замонавийлаштиришга хизмат қилади. Иккинчидан, партия мақсад ва вазифаларини электоратга, кенг оммага чуқурроқ тушунтириш орқали ўз тарафдорларини кўпайтириш, жамият ривожидаги ҳиссасини оширишга олиб келади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида бу масалага алоҳида тўхталиб ўтган эди.

# Умумэътироф этилган сиёсий технологиялар

## *ҲАМДА ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН ИШЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАДИ*



→2

**Иштирокчидан фаоллика**

*Буни Марғилон шаҳар партия кенгаши фаолиятида ҳам кўриш мумкин.*

→2

**Бешбулоқда кўз очган булоқ**

*Мамлакатимиз кимё саноатининг яна бир гигант корхонаси ҳадемай ишга тушади*

→3

**Грузияда маҳбус имтиҳондан ўтса, озодликка чиқарилади**

→3

**Айрим талабаларнинг эҳтиёжию сарф-харажати иқтисодий тарбия ҳақида ўйлашга ундайди**

→4

*Мамлакатингизга беш йил аввал келган эдим. Бу сафар Тошкентни сайр қилар эканман, унинг таниб бўлмас даражада ўзгариб, янгича чирой очганини кўриб, лол қолдим. Ўзбекистон сайёҳлик борасида улкан салоҳиятга эга. Юртингизда сайёҳлик инфратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилаётганига ва улар юксак самаралар бераётганига гувоҳ бўлдим. Ўзбекистонга келаётган сайёҳлар оқимининг йил сайин кенгайиб бораётгани бунга ёрқин мисолдир».*

**Масъуд ҲОШИМ (Кувайт)**




# *Маънавий қудратимиз тимсолларидан*

Истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, миллий-маданий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, юксак маънавий-ахлоқий тушунча ва қарашларни халқимиз, хусусан, ёш авлод қалбига чуқур сингдириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Бу эзгу саъй-ҳаракатлар жараёнида инсоният тараққиёти, дунё илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган Имом Бухорий, Абу Исо Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Аҳмад Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Бурҳониддин Марғиноний, Маҳмуд Замахшарий, Абдухолиқ Ғиждувоний каби буюк алломаларимизнинг юбилейлари нишонланди. Улар ҳаёти, илмий-маънавий меросини ўрганиш ва келажак авлодларга етказишга хизмат қиладиган катта илмий мактабларга асос солинди.

→2

# ОАВга оид қонунлар

## *ижроси ўрганилди*

**Парламент назорати**

■ Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» ҳамда «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларнинг Тошкент шаҳридаги ижроси бўйича ўтказилган назорат-таҳлил якунлари кўриб чиқилди.

Йиғилишда оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш ва демократлаштиришга оид мустаҳкам ҳуқуқий база яратилгани ва тобора такомиллашиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

Қўмита ишчи гуруҳи томонидан тақдим этилган назорат-таҳлил материаллари муҳокамаси давомида давлат бошқаруви ва ҳокимият органлари мансабдор шахсларининг соҳага тааллуқли қонунлар талабларини ижро этиш юзасидан ахборотлари тингланди.

— Мамлакатимиз ОАВ ўзига хос тадрижий йўлни босиб ўтди, дея таъкидланди йиғилишда. Унинг жамиятдаги барча қатламлар ўртасида алоқа ўрнатувчи ижтимоий восита сифатидаги ўрни беқиёс. Ишчи гуруҳи ОАВ фаолиятини тартибга солиш, уларнинг моддий-техник базасини такомиллаштириш, эркин фуқаролик жамияти яратишдаги мавқеини мустаҳкамлаш борасидаги қонунлар ижроси юзасидан назорат-таҳлил ўтказди. Унга кўра, баъзи ОАВ фаолиятида муайян камчилик ва нуқсонлар борлиги кўзга ташланди. Жумладан, Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатувчи даврий нашрларда 25, телерадиоканалларда 5, «uz» доменидаги веб-сайтларда 18 марта қонун бузилиши ҳоллари аниқланган.

Шунингдек, ОАВда малакали кадрлар етишмаслиги, таъсис ҳужжатлари камчиликлардан холи эмаслиги, газета ва журналларни чоп этиш, кўрсатув ва эшиттиришларни тайёрлаш, эфирга узатиш жараёнларида соҳага оид қонун талабларига етарли даражада риоя этмаслик журналистиканинг ранг-баранг жанрларидан тўлақонли фойдаланиш имконини бермаяпти. Натижада кўплаб нашрлар бир хил жанр, хусусан, хабарлар билан чекланиб қолмоқда, бу эса уларнинг ўзига хос йўл очиши ва ўзига хос қиёфа касб этишига монелик қилмоқда.

— ОАВга оид қонунларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир қатор меъёрий ҳужжатлар ва дастурлар қабул қилган, — деди Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Фазлиддин Зиёев. — Жумладан, Тошкент шаҳрида фаолият олиб бораётган ОАВ ўз низомларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда изчил фаолият кўрсатиб, мамлакатимиз ва пойтахт сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётидаги янгиликлар, ислоҳотларнинг самараси, бунёдкорлик ишларини кенг тарғиб этиш, юз бераётган ўзгаришларга оид ахборотларни тарқатишда фаоллик кўрсатмоқда.

Шунингдек, йиғилишда сўзга чиққан бошқа иштирокчилар қонунларни ижро этишда муассислар билан таҳририятлар ўртасидаги шартномаларга оид мажбуриятлар баъзи ҳолларда бажарилмаётгани, айрим таҳририятларнинг моддий-техник базасини яхшилашга етарлича эътибор берилмаётгани босма нашрларнинг иқтисодий ҳолатига, журналистлар меҳнатини рағбатлантиришга маълум маънода салбий таъсир этаётгани ҳақида мулоҳаза юритишди. Ахборот соҳасининг ҳуқуқий тизимини янада мустаҳкамлаш, миллий матбуотимиз сифати, маҳорат ва таъсирчанлигини ошириш, уни ривожланган давлатлар ОАВ эришган юксак талаб ва мезонлар даражасига кўтариш мақсадида қонунчиликни янада такомиллаштириш зарурлигини таъкидлашди.

Назорат-таҳлил жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА**

**ОБ-ҲАВО 10-11.07.2010**

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 35°C | 36°C |
| Самарқанд | 34°C | 35°C |
| Нукус | 34°C | 35°C |
| Қарши | 36°C | 37°C |
| Урганч | 35°C | 36°C |
| Навоий | 35°C | 36°C |
| Фарғона | 34°C | 35°C |
| Бухоро | 35°C | 36°C |
| Андижон | 34°C | 35°C |
| Наманган | 34°C | 35°C |
| Термиз | 38°C | 39°C |
| Жиззах | 35°C | 36°C |
| Сирдарё | 35°C | 36°C |
| Тошкент вил. | 35°C | 36°C |
| Лондон | 23°C | 25°C |
| Париж | 22°C | 24°C |
| Москва | 28°C | 29°C |
| Мадрид | 29°C | 31°C |
| Пекин | 39°C | 38°C |
| Гонгконг | 38°C | 41°C |
| Рим | 27°C | 28°C |
| Анқара | 31°C | 32°C |
| Токио | 27°C | 29°C |
| Стокгольм | 25°C | 26°C |
| Кейптаун | 15°C | 14°C |
| Қоҳира | 27°C | 24°C |
| Гавана | 32°C | 31°C |
| Вашингтон | 26°C | 27°C |

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 6 ИЮЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ**

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1348,15 | 1 Миср фунти | 280,84 | 1 СДР | 2383,93 | 10 Жанубий Корея вони | 13,09 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2425,80 | 1 Канада доллари | 1509,27 | 1 Туркия лираси | 1022,73 | 10 Япония иенаси | 181,76 |
| 1 БАА дирҳами | 435,00 | 1 Хитой юани | 235,85 | 1 Швейцария франки | 1501,47 | 1 Россия рубли | 51,22 |
| 1 АҚШ доллари | 1597,71 | 1 Малайзия ринггити | 496,65 | 1 Евро | 1970,09 | 1 Украина гривнаси | 202,02 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

# Умумэътироф этилган сиёсий технологиялар

## *ҲАМДА ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН ИШЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАДИ*

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*





Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияда айнан электорат билан иш олиб боришнинг замонавий усуллари, умумэътироф этилган сиёсий технологиялардан кенг фойланиш масалалари муҳокама этилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева илмий-амалий конференция иштирокчилари эътиборини яна бир бор Президентимиз маърузасида кўтарилган масала нечоғли долзарб эканлигига қаратди.

— Электорат билан иш олиб боришнинг замонавий усулларини чуқур ўрганмасдан, умумэътироф этилган сиёсий технологиялардан кенг фойдаланмасдан партиямизнинг ғоявий ва дастурий мақсадларига эришиб бўлмайди, — деди у. — Чунки айнан шундай усуллардан фойдаланиб, электорат манфаатларини юзага чиқариш, партиянинг обрўсини ошириш, партиялараро соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мумкин.

Сиёсий технологиялар мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнлар учун янги ва унча чуқур ўрганилмаган соҳа ҳисобланади. Сиёсий технологиялар бевосита амалий жараёнлар билан боғлиқ. Унинг мазмун-моҳиятини ва ўзига хос хусусиятларини чуқур ўрганиш, таҳлил этиш, улардан самарали фойдаланиш партиямиз фаолиятини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

— Жамиятнинг демократик тараққиётини белгиловчи омиллардан бири сиёсий партияларнинг ижтимоий ҳаётга қанчалик таъсир эта олиши билан боғлиқ, — деди **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессори, сиёсий фанлар доктори Муқимжон Қирғизбоев.** — Агар собиқ тузум даврида аввало бир партиявийлик бўлиб у асосан буйруқбозликка асосланган усуллардан фойдаланган бўлса, бугун биз шакллантираётган фуқаролик жамиятида кўппартиявийлик ҳамда партиялар сиёсий технологияларни қўллаш нуқтаи назаридан ҳам эркиндир. Бу жараён бундан кейин янада чуқурлашиб бориши лозим.

Очиғини айтиш керак, бугун мамлакатимиздаги партияларга электорат, яъни ижтимоий таянч, база билан мулоқот ўрнатишда фаол ва замонавий сиёсий технологиялардан самарали фойдаланиш тажрибаси етишмаяпти.

Партиялар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш учун муҳим бўлган сиёсий менежмент фанини ўрганиш, амалий жиҳатдан ўзлаштириш лозим. Сиёсий менежмент партиянинг доимий фаоллигини таъминлашда муҳим ҳисобланади. Сабаби — фуқаролик жамияти меъёрларини қарор топтиришда умумий сафарбарлик бўлмаса, унинг механизми ишга тушмайди. Сиёсий технологияларнинг самарадорлиги электорат манфаатларини ифода этиш билан чекланиб қолмасдан, ҳар бир фуқаронинг сиёсий-ҳуқуқий сергаклигини ошириши билан ҳам ўлчанади.

Шу маънода, партиялар фаолиятида сиёсий менежмент фанини ривожлантириш икки томонлама фаолликни юзага келтириб, жамиятнинг янгиланиши ва демократлашиши жараёнини янада тезлаштиради.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Абдуманноб Раҳимов**нинг таъкидлашича, кейинги йилларда сиёсий партиялар фаолиятига оид қонунчилик такомиллашиб, уларга янги ҳуқуқ ҳамда ваколатлар берилгани, имкониятларининг кенгайгани электорат билан ишлашнинг замонавий усулларидан фойдаланиш, умумэътироф этилган сиёсий технологияларни амалда қўллашда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

*Партия фаолияти ўз тарафдорлари билан узлуксиз ишлашида намоён бўлади. Ҳар қандай сиёсий партия ўз электорати деб билган аҳоли қатлами билан мустаҳкам алоқада бўлмасдан, улар билан замон талаблари даражасида ишламасдан, бунинг учун иш услубини такомиллаштирмасдан бирон-бир мақсадига эришиши қийин. Яқинда бўлиб ўтган сайловлар ҳам электорат билан замонавий усулларда иш олиб бориш нақадар муҳим эканини кўрсатди.*

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун бугунги кунда мамлакатда нафақат кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш, балки уларнинг ваколатларини барча соҳаларда, жумладан, давлат бошқарувида янада кенгайтиришга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга моликдир. Демак, фуқаролик жамиятининг энг муҳим институти бўлган сиёсий партияларнинг самарали фаолият юритишлари учун мавжуд ҳуқуқлардан етарлича фойдаланиш лозим.

Партиялар сайловчиларнинг имкон қадар кўп овозини олиш мақсадида замонавий сайлов тизимида қўлланиладиган восита ва усуллардан кенг фойдаланди. Лекин, сайловдан сўнг, партиямиз фаолиятида бироз бўлса-да, хотиржамликка берилиш сезилаётгани сир эмас. Бу камчиликни бартараф этиш учун аниқ мақсадларни кўзда тутадиган жамоатчилик билан алоқалар тизимини янада такомиллаштириш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш, бу соҳада умумэътироф этилган сиёсий технологиялар ва замонавий усулларни қўллаш зарур.

— Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳар қандай партиянинг кучи унинг жамиятга таъсири билан, дастурларининг сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий жабҳалардаги самарадорлиги билан ва тарафдорларининг сони билан белгиланади, — деди **Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси бош врачи, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати Элмира Боситхонова**. — Партиямиз ўз Ҳаракат дастурини қабул қилди. Дастурнинг ҳар бир банди ижросини партиямиздан сайланган депутатлар қонунда белгиланган ваколатлар асосида амалга ошириши керак. Депутатлик ҳуқуқини қай даражада амалга ошириш эса алоҳида фаоллик талаб этади. Ушбу фаоллик депутатлик тажрибаси ва сиёсий билимга таянгандагина натижа бериши ҳеч кимга сир эмас.

Партиялар ўртасидаги баҳс-мунозараларни жиддий, малакали ва амалий негизда олиб бориш ўта муҳимдир. Бу баҳс учун эса электоратнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини чуқурроқ ўрганиш ва уни ҳал қилиш борасида зарур билим, тажрибага эга бўлиш даркор. Бундан ташқари, электоратни безовта қилаётган масалаларни чуқур ва объектив ўрганиш бўйича партия туман, шаҳар кенгашлари ҳузурида ҳам экспертлар гуруҳларини шакллантириш зарур. Аксарият ҳолларда депутатнинг ёлғиз ўзининг ҳаракати ҳеч қандай натижа бермаслигини тажриба кўрсатиб турибди. Шунинг учун депутатнинг ҳуқуқларини амалга оширишда партия кенгашлари, бошланғич ташкилотлар, партиямиз фаоллари бўлган турли соҳа мутахассислари, ёшлар ва аёллар қаноти вакилларининг фаол ҳамда аниқ йўналтирилган иштироки ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ушбу муҳокамалар натижасига асосан депутатлик гуруҳлари Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари ва доимий комиссияларга таклифлар киритиши даркор. Уларнинг қарорлари ижросини албатта назорат қилиш зарур. Шунда электоратимизнинг ўз партиясига дахлдорлиги кучаяди.

Шунингдек, Самарқанд вилоят партия кенгаши раиси Камолбой Исабеков, Жиззах вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Мўътабар Каримова, Янгиер шаҳар партия кенгаши раиси Исматулла Исоқов, ЎзХДП Марказий Кенгаши эксперти Нормурод Маматов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зиёвуддин Мансуров ва бошқа фаоллар партиямиз электоратини ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаоллаштириш зарурлигини таъкидлашди. Бунинг учун самарасиз эски усуллардан воз кечиб, замонавий сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш, керак бўлса, халқимиз менталитетига ҳар жиҳатдан тўғри келадиган, ўзининг аниқ натижаларини бериши мумкин бўлган электорат билан иш олиб бориш технологиясини ишлаб чиқиш масаласи ўртага ташланди.

Илмий-амалий конференцияда билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, партия ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

***Беҳзод ШУКУРОВ,***
***Тўлқин ТЎРАХОНОВ***



Владимир ГОНЧАРЕНКО ва Зиёдилла НОРМУРОДОВолган суратлар.

# МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИМИЗ ТИМСОЛЛАРИДАН

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

■ Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 23 майда қабул қилинган «Имом Бухорий халқаро марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам ушбу йўналишдаги ишларнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Муқаддас ислом дини ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк ватандошимиз, ҳадис илмининг султони Имом Бухорийнинг улкан меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, азалий миллий қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш, ёш авлоднинг руҳий ва маънавий оламини бойитиш, иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган ушбу марказ дунё илм-фанида алоҳида ўрин тутади.

— Юртбошимиз муқаддас ислом динининг, Қуръони Карим ва ҳадисларнинг асл моҳиятини, ҳадисшунослик мактабининг илмий-маънавий асосларини, Имом Бухорий, Имом Термизий сингари юртимиздан етишиб чиққан буюк муҳаддис алломалар меросини ҳар томонлама теран ўрганиш, халқ оммаси, хусусан, ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан эканини таъкидлаган, — дейди **Имом Бухорий халқаро маркази директори, профессор Убайдулла УВАТОВ.** — Ушбу эзгу мақсад йўлида Президентимиз қарори билан ташкил этилган мазкур марказ фаолиятида юксак инсоний ғоялар ва муқаддас қадриятларимизни ўзида ифода этган манбаларни тизимли асосда тадқиқ этиш, улардан маънавий ахлоқий тарбия ишларида фойдаланиш учун зарур дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий-амалий тавсиялар тайёрлаш юзасидан доимий иш олиб бориш, Имом Бухорийнинг бетакрор мероси асосида диний ходимларнинг билим ва тажрибаси, касб малакасини ошириш бўйича ўқув-услубий ишларни амалга ошириш каби йўналишлар муҳим ўрин тутади.

Ўтган вақт мобайнида ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, барча зарур чора-тадбирлар кўрилди. Аввало, Юртбошимиз қарори қабул қилинганидан кейин қисқа фурсатда Имом Бухорий мажмуаси яқинида халқаро марказ учун замонавий, барча қулайликларга эга икки қаватли кўркам бино қад ростлади. Бу ерда марказ илмий ходимлари ва тингловчилар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Мажлислар зали, ўқув хоналари, ахборот-ресурс маркази, компьютер хонаси бугунги кун талаблари даражасида жиҳозланди.

Тубдан қайта таъмирланган ётоқхонада тингловчилар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари, спорт билан шуғулланишлари, компьютер курси сабоқларида иштирок этишлари учун кенг имкониятлар яратилган. Маънавият ва маърифат хонасида эса тингловчилар ўқув ва бадиий адабиётлардан, газета ва журналлардан баҳраманд бўлишади. Бундан ташқари сабоқ ўтиш учун ёки тадбирларда қатнашиш мақсадида хорижий мамлакатлар ва юртимизнинг турли ҳудудларидан келадиган меҳмонлар, олимлар учун ўнта замонавий, икки қаватли коттежлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Марказ қошидаги манбаалар хазинасида турли илмларга тааллуқли, араб ва форс тилларида битилган беш юздан ортиқ нодир қўлёзма ва тошбосма асарлар сақланмоқда.

Барча мусулмонлар учун Имом Бухорий мажмуасида сабоқ олиш ва бу табаррук масканни зиёрат қилиш улкан шараф ва орзу ҳисобланади. Айни пайтда бу улуғ зотнинг илмий-маънавий меросини ўрганиш илм-маърифат ривожи учун беқиёс аҳамиятга эга.

Ўтган вақт мобайнида юртимизнинг барча ҳудудларидаги жомеъ масжидлар имом-хатибларидан беш юздан ортиғи марказнинг малака ошириш курсларида таҳсил олди. Машғулотларда Ўзбекистон мусулмонлари идораси, дин ишлари бўйича қўмита ходимлари, Тошкент ислом университети ва бошқа нуфузли олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот марказлари профессор-ўқитувчилари томонидан диний ва дунёвий илмлар чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилади. Турли вазирлик ва идоралар вакиллари, сиёсатшунослар, маънавият тарғиботчилари томонидан мамлакатимиз ҳамда дунёдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, жамият ҳаётидаги янгиланиш ва ўзгаришлар, барча соҳалардаги ислоҳотлар мазмун-моҳияти, натижаларига оид машғулотлар олиб борилмоқда.

Ҳар бир тингловчи икки ой мобайнида алоҳида бир мавзу бўйича битирув малакавий иши тайёрлайди. Битирув ишлари фақат диний мавзулар билан чекланмайди, балки уларда юртимиздан чиққан буюк алломалар меросини ўрганиш, мамлакатимиздаги маънавий-маърифий ишлар, жамият ҳаётидаги ислоҳотлар ва уларнинг самаралари, ёш авлод таълим-тарбияси, оила муқаддаслиги каби масалалар ҳам теран таҳлил этилади.

Марказдаги таҳсил жараёнининг бу шакли дин вакилларининг ўзлари эгаллаган диний илмлар билан бир қаторда, дунёвий илмларни ҳам чуқур ўрганишлари, бугунги давр воқелигини тўғри талқин қилишларида муҳим ўрин тутади. Айни пайтда марказнинг тўққизинчи давра тингловчилари машғулотларни якунламоқдалар.

Марказда юртимиздан етишиб чиққан буюк ҳадисшунос алломалар ҳаёти ва меросини илмий асосда чуқур тадқиқ этиш, улардан кенг халқ оммасини баҳраманд қилиш борасида ҳам самарали иш олиб борилмоқда. Ҳадисшунослик ва манбашунослик бўлимларининг илмий ходимлари ҳадис илми ривожига салмоқли ҳисса қўшган алломаларимиз меросини ўрганиб, янги маълумотлар тўпламоқда. Ўтган йили марказ томонидан «Буюк алломаларимиз» рукни остида 12 нафар аллома ҳаёти ва илмий меросига оид қисқача маълумотлар баён этилган плакатлар нашр этилди ва у юртимиздаги таълим муассасалари ва тегишли ташкилотларга тарқатилди. Имом Бухорийнинг ибратли ҳаёт йўли ва беназир илмий-маънавий мероси ҳақида турли даврларда ёзилган тарихий асарлар ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди. Бу улуғ зот ҳаёти ва фаолиятига оид янги маълумотлар жамланган, мустақиллик йилларида юртимизда Имом Бухорий меросини ўрганишга қаратилган, ул буюк зотга юксак эҳтиром баён этилган «Ҳадис илмининг султони» китоби нашрдан чиқди.

Айни пайтда «Ўзбекистон – буюк алломалар юрти» китобини тайёрлаш ишлари давом этмоқда. Ушбу китобда элликка яқин алломалар ҳаёти, илмий-маънавий мероси ҳақида атрофлича маълумот берилади. Яқинда «Мутафаккирларимиз» рукнида ўндан зиёд буюк аждодларимиз ҳақида тайёрланган ихчам рисолалар нашрдан чиқади. «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журналида ҳам алломаларимиз меросини ўрганиш борасидаги илмий изланиш ва тадқиқотлар, ёшлар таълим-тарбиясига оид материаллар мунтазам чоп этилмоқда. Интернетда марказ веб-сайти ташкил этилган бўлиб, унга доимий равишда янги маълумотлар жойлаштириб борилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, бундай улуғ зотларнинг ҳаёт йўли ва қолдирган меросини тўлиқ тасвирлаш эмас, балки уларнинг энг буюк намояндалари тимсолида маърифат, илму фан, маданият, дин каби соҳаларнинг барчасини ўзида уйғунлаштирган халқимизнинг маънавий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканини исботлаб беришдан иборатдир. Шу маънода Имом Бухорий халқаро маркази халқимизнинг ноёб ва бебаҳо бойлигини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг маъно-мазмунини фарзандларимизга етказишдек эзгу мақсад йўлида фаолият олиб бормоқда.

**ЎзА мухбири**
**Ғолиб ҲАСАНОВ ёзиб олди.**

# Иштирокчиликдан фаолликка

## ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати ■

Бугунги шиддаткор даврда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, хусусан, иқтисодий тараққиёт муваффақияти кўп жиҳатдан инсон, унинг юксак маънавияти, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг қадрланишига ҳам боғлиқ.

Шу боис Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилоят ташкилотлари сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими самарадорлигига алоҳида эътибор бераяпти. Зеро, сиёсий ва фуқаролик маърифатининг юксалиши, энг аввало, маслакдошларимизни янада жипслаштириш, уларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилади. Буни Марғилон шаҳар партия кенгаши фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

Биз сиёсий ўқувлар таъсирчан ўтишига алоҳида эътибор бериб келамиз. 2007 йили 2 та бошланғич партия ташкилотимизда доимий ўқувлар ўтказилар эди. Кейинги икки йилда эса сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувлар сони кўпайиб, 10 та бошланғич ташкилотда мунтазам ўтказилмоқда. Бу борада ўтган йил, айниқса, самарали бўлди. Сиёсий ўқувлар бир ойда бир марта эмас, балки сиёсий мактаб, суҳбат, семинар, давра суҳбати, баҳс-мунозара, конференция шаклларидаги машғулотлар узлуксиз тарзда ўтказилди. Уларда ҳаётий, муҳим масалаларга эътибор қаратилди.

Сиёсий ўқув машғулотлари ҳуқуқшунослар, педагоглар ва бошқа мутахассислар билан бирга кенгашимиз қошидаги тарғиботчилар гуруҳи аъзолари томонидан ҳам олиб борилди. Улар интерфаол усуллардан фойдаланиб, йиғилишлар баҳс-мунозара асосида марoқли ўтишига катта ҳисса қўшдилар. Натижада бундай машғулотлар партия аъзолари ва хайрихоҳлар ўртасида қизиқишни кучайтирди. Муҳими, амалий самара бера бошлади. Мисол учун, сиёсий ва фуқаролик маърифати ўқувлари мунтазам ўтказилган 5-оилавий шифохона, «Маҳалла» хайрия жамғармаси шаҳар кенгаши ва бошланғич партия ташкилотларида фаоллар сафи ўсди. Маслакдошларимизнинг партия дастурий мақсадларини амалга ошириш юзасидан ҳаракатлари кучайди.

Бироқ шуни айтиш керакки, биз сиёсий ўқув самарадорлигини янада ошириш, таъсирчанлигини кучайтириш учун изчил изланишимиз лозим. Албатта, бу борада фойдаланишимиз мумкин бўлган имкониятлар ҳали кўп. Чунончи, биз барча бошланғич ташкилотларимизни қамраб ололмаяпмиз. Айрим ҳолларда машғулотлар юзаки, хўжакўрсинга ўтказилаяпти. Оқибатда кутилган самарага эришилмаяпти.

Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими ўқув машғулотларига барча даражадаги депутатларимизни, хўжалик ёки меҳнат жамоалари раҳбарларини кенгроқ жалб этиш, маслакдошларимизнинг юзаки иштирокчилигидан амалий фаоллигига эришиш муҳим, албатта. Бу ўринда электорат билан иш олиб боришнинг замонавий усуллари, сиёсий технологиялардан, бошқа турдаги барча таъсирчан усуллардан фойдаланиш яхши натижа беради. Ҳар бир машғулот баҳс-мунозара минбарига айланиши зарур. Мақсадимиз партия дастурий мақсадларини тарғиб қилиш, ҳар бир партия аъзосининг сиёсий, ижтимоий фаоллигини ошириш экан, бу вазифани ҳал этиш учун яхши имконият яратаётган сиёсий ўқув жараёнини янада жонлантиришимиз керак.

**Муҳаммаднўъмон ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**ЎзХДП Марғилон шаҳар кенгаши раиси.**

# Бешбулоқда кўз очган булоқ

## *Мамлакатимиз кимё саноатининг яна бир гигант корхонаси ҳадемай ишга тушади*

**— Учинчи мақола —**

### Истиқлол иншоотлари

■ Бешбулоқ қишлоғи четидаги қарийб йигирма гектардан ошиқ адир текисланиб, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи бунёд этиляпти. Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари ҳамда Хитой давлати Эксимбанкининг кредити ҳисобига барпо этилаётган заводни қуришга 43,9 миллион доллар маблағ сарфланади. Бош пудратчи — Хитойнинг «CITIC» компанияси. «SCCCNCEC» — «Хитой кимё миллий инжиниринг компаниясининг 6-қурилиш бўлинмаси» бунёдкорлари эса ёрдамчи пудратчи.



Қурилиш директори жаноб Ли Хун, Деҳқонобод калийли ўғитлар корхонаси директорининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Ражаб Хўжамуродов билан суҳбатлашсангиз, бу завод истиқболи ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўласиз.

— ***Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик, ўзаро алоқалар тобора кучайиб бораётгани, рости, бизни хурсанд қилади, — дейди қурилиш директори жаноб Ли Хун. Нимага десангиз, бу икки давлат бирдамлиги бунёдкорликка, эзгу мақсадга хизмат қилади. Биз ўрнатаётган ускуналарнинг кўп қисми мамлакатимиздаги саноат корхоналарида тайёрланган. Дунёда калийли ўғит ишлаб чиқадиган корхона анчагина. Хитойда ҳам бир нечта завод бор. Аммо Деҳқонободда олинаётган хомашё таркиби жиҳатидан тубдан фарқ қилади. Яъни, калийли ўғит ажратиб олиш жараёни осон кечади.***

Қурилишда суръат ниҳоятда юқори. Қисқа фурсатда асосий ишлар бажарилди, барча цех бинолари тикланди. Айни пайтда қурилишда Хитойдан келган 100 нафар инженер-техник ходим, 600 нафар қурувчи иштирок этаяпти. Ўзбекистонлик кўплаб ёшлар улар билан бирга меҳнат қилмоқда, тажриба тўпламоқда.

— Биз хитойлик дўстларимиздан кўп нарсани ўргандик, — дейди Ражаб Хўжамуродов. — Аввало, қурилишда 200 нафардан ошиқ юртдошимиз қатнашмоқда. Уларнинг аксарияти янги касб-ҳунар ўрганиб олишди. Бундан ташқари, «Қизилқум» цемент заводи, Шаҳрисабз норуда материаллар корхонаси, Бекободдаги «Ўзметкомбинат» бирлашмаси қурилишда ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

Заводнинг қурилиш бўлими бошлиғи Эрол Эролов билан бирга, механика цехида ишлаётган Шавкат Эгамбердиев, технолог Баҳодир Абдуллаев, қурувчи Азамат Бегимқулов амалга ошираётган ишлар билан танишдик. **«Мен шу Бешбулоқ қишлоғида туғилиб ўсганман, бу гигант завод қурилишида ишлаётганим билан ғурурланаман»,** — дейди ёш қурувчи Акбар Эшматов.

Заводнинг асосий корпуслари аллақачон тикланган, фильтрлаш цехида эса иш қизғин. Автохўжалик биноси қуриб битказилган. Хомашё сақлаш омбори ҳам кўрган кўзни қувонтиради. Дарвоқе, катта миқдорда калийли туз йиғилган. Ўт ўчириш хизматининг 5 қаватли ўқув биноси ҳам фойдаланишга тайёр. Ажойиб ошхона қурилган ва қурувчилар ундан фойдаланишмоқда. Бино ва цехларни иситиш қозонлари газ воситасида ишлайди...

Биз улкан қурилиш майдонида ажойиб бир йигит билан учрашдик. У Ёдгор Эшмуродов. Ёдгор Қарши давлат университети технология факультетида таълим олгач, халқаро грантни қўлга киритибди. Натижада магистратурани Словакия давлат техника университетида тугатибди. Ҳозир янги заводда технолог сифатида иш бошлабди.



Хусан РАХМОНОВ олган суратлар.

— **Рудадан ўғитни ажратиб олиш анча мураккаб иш, — дейди ёш технолог Ёдгор Эшмуродов. — Айтиш мумкинки, корхонада қайта ишлаш цехлари жуда замонавий. Шу йилнинг 29 майида хомашёдан калийли ўғит ажратиш жараёни синаб кўрилди. Одамнинг ҳаваси келади. Яна бир қувончли томони, корхонага асосан ёш мутахассислар ишга олинмоқда. Ишчиларнинг бир қисми ўқитилиб, ишлаб чиқариш билан таништирилаяпти.**

Корхонанинг ишчилар шаҳарчасини айтмайсизми. Унинг маъмурияти ҳам шу масканда жойлашган. Ҳозирча ўнта дала ҳовлили уй, иккита ётоқхона қад ростлаган. У келгусида 1700 нафар аҳоли яшайдиган ишчилар шаҳарчасига айланади. Қашқадарёлик кўп ёшлар шу корхонада ишлашга ҳавасманд. Корхона фойдаланишга топширилгач, юзлаб янги иш ўринлари очилади, мамлакатимиз иқтисодий қуввати ошади.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**


## САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ 2010-2011 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН БАКАЛАВРИАТ ВА МАГИСТРАТУРАГА

## ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**БАКАЛАВРИАТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Агрономия факультетига:**
- Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари бўйича);
- Агрокимё ва агротупроқшунослик;
- Ўсимликлар ҳимояси ва карантини;
- Қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги;
- Ўрмончилик;
- Ипакчилик;
- Касб таълими (агрономия).

**Ветеринария, зоотехния ва қоракўлчилик факультетига:**
- Ветеринария;
- Зоотехния;
- Қоракўлчилик;
- Касб таълими (ветеринария);
- Касб таълими (зоотехния).

**Иқтисодиёт ва бошқарув факультетига:**
- Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида);
- Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича);
- Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш.

**Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва маҳсулотларни қайта ишлаш факультетига:**
- Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш;
- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси.

***Ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади. Қуйидаги ҳужжатлар топширилади.***
- ректор номига ариза;
- ўрта ёки ўрта махсус маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- 086/у шаклдаги тиббий маълумотнома;
- 3,5х4,5 см ўлчамдаги 6 дона фотосурат;
- паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

**МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ:**

**Агрономия факультетига:**
- Ўсимликшунослик (экин гуруҳлари бўйича);

**Ветеринария, зоотехния ва қоракўлчилик факультетига:**
- Наслчилик иши;
- Паррандачилик;
- Паразитар касалликлар;
- Кинология ва итларнинг касалликлари;
- Ветеринария жарроҳлиги;

***Магистратура мутахассисликлари учун ҳужжатлар 1 июлдан 31 июлгача қабул қилинади. Қуйидаги ҳужжатлар топширилади:***
- магистратура мутахассислиги кўрсатилган ҳолда ректор номига ариза;
- олий маълумот ҳақидаги ҳужжатларнинг асл нусхаси ва унинг иловаси;
- 086/у шаклдаги тиббий маълумотнома;
- 3,5х4,5 см ўлчамдаги 6 дона фотосурат;
- паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

***Манзил: Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 77-уй. Тел.: 234-01-00, факс: 234-07-86.***

**ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!**



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra

Regional Rural Water Supply & Sanitation Project
Қишлоқларни ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаси
Funded by Swiss Agency for Development and Cooperation
Implemented by International Secretariat for Water

SIE-ISW-SIA

## ПОЛИЭТИЛЕН (ПЭ) ФИТТИНГЛАР ТЕНДЕРИ ХАҚИДА ЭЪЛОН

Швейцариянинг Ривожланиш ва Ҳамкорлик Агентлиги томонидан молиялаштирилган ва Халқаро Сув Котибияти (Канада) томонидан амалга оширилаётган "Қишлоқларни ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаси" Ўзбекистон Республикасининг Андижон ва Фарғона вилоятларидаги лойиҳа бўйича ишлари учун полиэтилен фиттинглар сотиб олиш тендерида иштирок этиш учун фирма, мол етказиб берувчи ва дилер корхоналарни таклиф қилади.

**АСОСИЙ ТАЛАБЛАР:**

1. Фирма/корхона таклиф қилган сўнгги нархлар лицензияси нусхаси билан бирга конвертда (почта), ёки электрон почта орқали 2010 йил 7 август кунигача кўрсатилган манзилга жўнатилиши керак.
2. Тендер техник спецификация ва нархларни баҳолаш асосида ўтказилади.
3. Транспортда ташиш, солиқ, юклаш хизматлари, суғурта, божхона тўловлари, фиттинглар ишлаб чиқариладиган хомашё сифати ва турига тегишли харажатлар маҳсулотнинг чакана нархидан алоҳида берилиши шарт.
4. Фиттингларнинг чакана нархи ва барча бошқа харажатлари АҚШ доллари ёки Ўзбек сўмида тақдим этилиши лозим.
5. Лойиҳа сабабини кўрсатмаган ҳолда исталган вақтда тендернинг бир ёки бир неча қатнашчиларининг таклифларини қисман ёки тўлалигича қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини сақлаб қолади.
6. Таклиф этилган сўнгги нархлар корхона хужжатлари тақдим этилганидан сўнг 120 кун мобайнида амал қилиши керак.
7. Батафсил маълумот учун берилган телефон ва манзил орқали офис иш вақтида мурожаат қилиш мумкин.

**Талаб қилинган фиттинглар рўйхати ва миқдори:**

Фиттинглар миқдори мол етказиб берувчи фирма/корхонанинг ёзма сўровномасига асосан берилади.

**Фиттинглар спецификацияси:**

Фиттинглар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим: янги, ишлатилмаган, бирламчи хомашёдан ишлаб чиқарилган, ичимлик суви таъминоти учун HDPE 80 ёки 100 туридаги, босими PN 10 ва ундан юқори бўлган.

Сифат Халқаро Стандарти (қуйидагиларнинг камида биттасига жавоб бериши шарт): DIN 8074, ISO 4472 ёки шуларнинг эквивалентига.

**Буюртмачининг манзили:**
*(маълумот ва ҳужжатлар жўнатиш учун)*

Қишлоқларни ичимлмк суви билан таъминлаш лойиҳаси. Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, 150100. Фарғона шаҳри, М. Қосимов кўчаси 39-уй, 3-қават.
***Эл. почта:*** rrwssp.isw.ferg@gmail.com
***Тел/факс:*** + 998 73 224-23-41, + 998 73 224-26-95

**Етказиб бериш манзили:**

Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, М.Қосимов кўчаси 62-уй, "Ўзсаламан" ҚК омбори.


**Хорижда**

## Сайлов комиссияси қарори

**ўқиб эшиттирилди**

Польша давлат сайлов комиссияси раиси Стефан Яворский якшанба куни ўтказилган навбатдан ташқари президент сайловининг иккинчи турида ғолибликни қўлга киритган Бронислав Коморовскийга давлат бошлиғи этиб сайланганлиги тўғрисидаги қарорни ўқиб эшиттирди ва тақдим этди.

Б. Коморовский эса куни кеча ўтказилган парламент мажлисида Сейм депутатлиги мандатини ва Сейм спикери ваколатини топширди.

Эслатиб ўтамиз: якшанба кунги сайловда Польшанинг ҳукмрон «Фуқаролик платформаси» партиясидан номзод, Сейм спикери Бронислав Коморовский 53,1 фоиз, иккинчи номзод — мухолифатдаги «Ҳуқуқ ва адолат» партияси етакчиси Ярослав Качинский 46,99 фоиз овоз олган.

Жорий йилнинг 10 апрелида Польша президенти Лех Качинский ва мамлакатнинг бир қатор ҳукумат аъзолари Смоленск остонасида авиаҳалокатга учраб, ҳалок бўлгани боис мамлакатда навбатдан ташқари президент сайлови ўтказилди.

## Маҳбус имтиҳондан ўтса

**озодликка чиқарилади**

Грузияда олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун ягона миллий имтиҳон топшириш 1 июлдан бошланди. «Новости-Грузия» АА хабарига қараганда, бу йил 350 мингга яқин киши олий ўқув юртига кириш учун имтиҳон топширади. Бу рақам ўтган йилдагидан 6 мингтага кўп.

Шуни таъкидлаш лозимки, аввал жазони ижро этиш бўйича республика муассасаси бошлиғи бўлиб ишлаган, ҳозир Грузия олий таълим вазири Дмитрий Шашкиннинг баён қилишича, бу йил ҳам худди ўтган йилдагидек имтиҳон топшириш жараёнида маҳбуслар ҳам иштирок этиши мумкин.

Агар маҳбус имтиҳонни аълога топшириб, олий ўқув юртида ўқиш имкониятини қўлга киритса, у озодликка чиқарилади ва ўқишни давом эттириши учун шароит яратилади.

Ўтган йили бундай имкониятни бир нафар маҳбус қўлга киритган. Бу йил эса 9 нафар маҳбус имтиҳон топшириш учун ариза берган.


## МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ 2010-2011 ЎҚУВ ЙИЛИГА ҚУЙИДАГИ БАКАЛАВРИАТУРА ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

### Бакалавриатура таълим йўналишлари

| | | |
|---|---|---|
| 1 | 5140900 | Касб таълими (бино ва иншоотлар қурилиши) |
| 2 | 5140900 | Касб таълими (амалий санъат) |
| 3 | 5140900 | Касб таълими (муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи) |
| 4 | 5140900 | Касб таълими (ер тузиш ва ер кадастри) |
| 5 | 5210900 | Дизайн (турлари бўйича) |
| 6 | 5340200 | Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) |
| 7 | 5540100 | Геодезия, картография ва кадастр (турлари бўйича) |
| 8 | 5580100 | Архитектура |
| 9 | 5581100 | Қишлоқ аҳоли пунктларини архитектуравий режалаштиришни ташкил этиш |
| 10 | 5581200 | Қишлоқ қурилишини лойиҳалаш |
| 11 | 5580200 | Бино ва иншоотлар қурилиши (турлари бўйича) |
| 12 | 5580300 | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги |
| 13 | 5580400 | Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (турлари бўйича) |
| 14 | 5580500 | Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш |
| 15 | 5580800 | Автомобиль йўллари ва аэродромлар |
| 16 | 5580900 | Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш |
| 17 | 5581000 | Ландшафт архитектураси |
| 18 | 5620700 | Ер тузиш ва ер кадастри |
| 19 | 5810900 | Уй-жой-коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари бўйича сервис |

### Магистратура мутахассисликлари

| | | |
|---|---|---|
| 1 | 5А580101 | Бино ва иншоотлар архитектураси |
| 2 | 5А580102 | Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура ёдгорликларини тиклаш |
| 3 | 5А580103 | Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ҳудудий режалаштириш |
| 4 | 5А581001 | Ландшафт архитектураси |
| 5 | 5А580201 | Бино ва иншоотлар курилиши |
| 6 | 5А580505 | Қурилиш материаллари маркетинги |
| 7 | 5А580402 | Сув таъминоти, канализация сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш |
| 8 | 5А580501 | Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш |
| 9 | 5А620701 | Ер тузиш ва ер кадастри |
| 10 | 5А580215 | Қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс қуриш |

«Менежмент» таълим йўналиши бўйича — математика, чет тили, она тили ва адабиётдан, қолган барча таълим йўналишлари бўйича — математика, физика, она тили ва адабиётдан тест синови Ўзбекистон Республикаси Давлат тест маркази белгилаган муддатда ўтказилади. «Архитектура», «Ландшафт архитектураси», «Қишлоқ аҳоли пунктларини архитектуравий режалаштиришни ташкил этиш», «Қишлоқ қурилишини лойиҳалаш», «Дизайн» ва «Касб таълими (амалий санъат)» таълим йўналишлари бўйича чизмачилик ва расм фанларидан ижодий имтихонлар 21 июлдан 25 июлгача ўтказилади. Ижодий имтиҳонлар ягона кўп баллик баҳолаш тизими асосида ташкил қилинади. Бундан ташқари, «Архитектура», «Ландшафтлар архитектураси», «Дизайн», «Қишлоқ аҳоли пунктларини архитектуравий режалаштиришни ташкил этиш», «Қишлоқ қурилишини лойиҳалаш» таълим йўналишлари бўйича умумтаълим фанлари математика, она тили ва адабиётдан, «Касб таълими (амалий санъат)» таълим йўналиши бўйича умумтаълим фанлари тарих, она тили ва адабиётдан тест синовлари юқорида кўрсатилгандек бошқа таълим йўналишлари билан бир кунда ўтказилади.

***Бакалавриатура ва магистратурага кирувчилар — таълим муассасасининг қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:***

1. Ректор номига ариза;
2. Ўрта ва ўрта махсус (олий) маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асл нусхаси);
3. У-086 шаклдаги тиббий маълумотнома;
4. 3х4 см ўлчамдаги фотосурат, 6 дона;
5. Паспорт ва ҳарбий гувоҳнома шахсан кўрсатилади;
6. Паспорт нусхаси.

**Ҳужжатлар Бакалавриатурага 20 июндан 20 июлгача, Магистратурага 1 июлдан 30 июлгача қабул қилинади.**

**МАНЗИЛИМИЗ:**

**Самарқанд шаҳри, Лолазор кўчаси 70. Тел.: 237-43-87, 237-15-93, 237-12-77. Транспорт: 2, 7, 19, 79, 82-автобусларнинг «СамДАҚИ» бекати.**



InfinBANK Қибрай туман филиали томонидан «Интеллект — Лобар» хусусий корхонасига нақд пул олиш учун берилган чек дафтарчасидаги 0017731-0017750 рақамли 20 дона чек йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**


Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Аҳад Аҳмедовга укаси

**Алижон АҲМЕДОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Каттақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси маъмурияти Бош врач биринчи ўринбосари Нажмиддин Нарзуллаевга отаси

**НАРЗУЛЛО бобо**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

# Ҳаяжон, армон ва қувонч

■ Эртага Йоханнесбургдаги «Соккер Сити» стадионида XIX жаҳон чемпионати финал учрашуви ўтказилади. Голландия — Испания терма жамоалари Жаҳон кубогини қўлга киритиш учун майдонга тушади.




Жанубий Африка Республикаси яшил майдонларида мундиал баҳслари бошланишидан илгари кўпчилик мутахассис ва мухлислар Бразилия, Италия, Англия, Аргентина, Франция ва Испания футболчилари имкониятини юқори баҳолашаётганди. Аммо якунда улардан фақат испанияликлар ишончни оқлашди.

Ярим финалга йўлланма олган тўрт жамоадан учтаси эса чинакамига шов-шувларга сабаб бўлди. Айниқса, Германия ва Голландия футболчиларининг дунёнинг етакчи ҳамда номдор терма жамоаларини қуйи босқичлардаёқ курашдан чиқариб юборди. Саралаш баҳсларидан зўрға жаҳон чемпионати финал босқичига йўлланма олган уругвайликлар номи эса узоқ танаффусдан сўнг яна кучли тўртликда тилга олина бошлади.

Бунгача икки (1974 ва 1978 йилларда) марта жаҳон чемпионати финалчиси бўлган Голландия терма жамоасининг бу галги шашти аввалгиларидан қолишмайди. Чорак финалда Бразилия (2:1) ва ярим финалда Уругвай (3:2) футболчиларини мағлубиятга учратган голландлар 2008 йилдан бери ўтказилган йигирма беш учрашувнинг барчасида фақат ғалаба нашидасини сурганликлари ҳам сўзимиз тасдиғидир.

Гуруҳ босқичида Сербия футболчиларига (0:1) имкониятни бой беришгач, аксарият мухлислар Германия терма жамоасига ишончсизлик билан қарай бошлаганди. Аммо плей-офф баҳсларида «немис машинаси» ҳужумкор ўйин намойиш этди. Аввалига Англия (4:1), сўнгра Аргентина вакилларини (4:0) доғда қолдирган германияликлар яққол фаворит сифатида эътироф қилина бошланди. Бироқ ярим финалда улар Испания терма жамоаси қаршилигини енга олмади — 0:1. Бундан икки йил муқаддам ўтказилган Европа чемпионати финалида ҳам ана шу икки жамоа ўзаро рўбарў келган ва унда ҳам худди шу ҳисобда испанияликлар зафар қучишганди. Эътиборлиси, Висенте Дель Боске бош мураббийлик қилаётган Испания терма жамоаси ўз тарихида илк бор жаҳон чемпионати финалига йўлланма олишга муваффақ бўлди.

— Испания футболчиларининг ушбу чемпионатда ғалаба қозонишларига ишонаман, — деди Германия терма жамоаси бош мураббийи Йоахим Лёв ярим финал учрашувидан сўнг берган интервьюсида. — Бизга қарши рақибимиз майдонда жуда яхши ҳаракат қилди ва тўпга кўпроқ эгалик қилди. Биз бундай ишни эплай олмадик. Натижада финал йўлланмасидан қуруқ қолдик.

Демак, бугун учинчи ўрин учун кечадиган баҳсда Уругвай — Германия терма жамоалари учрашувига гувоҳ бўлсак, эртага Голландия — Испания футболчилари чемпион номини аниқлаб беришади. ФИФА ҳакамлар қўмитаси қарорига мувофиқ, ҳал қилувчи ўйинни англиялик Ховард Уэбб бошчилигидаги ҳакамлар гуруҳи бошқариб боради.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, мазкур жаҳон чемпионати учрашувларини бошқариш учун 26 давлатдан 29 та ҳакамлар гуруҳи таклиф этилган эди. Улар орасида ҳамюртимиз ФИФА рефериси Равшан ЭРМАТОВ ўйинларни ишончли ва адолатли бошқарганлиги билан тилга тушди. Яна бир аҳамиятли жиҳати, Равшан Эрматов ЖАРда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати баҳсларида энг кўп, яъни беш маротаба бош ҳакамлик қилган ягона рефериға айланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон вакили яна бир учрашувда захирадаги ҳакам вазифасини бажарди.

XIX жаҳон чемпионати финал учрашуви яқинлашгани сайин мусобақанинг Жанубий Африка Республикаси иқтисодига келтирган фойдаси ҳам ҳисоб-китоб қилина бошланди. «The Times Live» нашрининг билдиришича, жаҳон чемпионатидан ЖАР иқтисодиёти шу йили 38 миллиард ранд (тахминан 4,9 миллиард доллар) миқдорида даромад олади.

Мамлакат молия вазири Правин Гордоннинг ҳисоб-китобига кўра, ЖАРдаги мусобақани ўтказиш учун умумий ҳисобда 40 миллиард ранд сарфланган бўлиб, шундан 33,7 миллиарди ҳукумат томонидан ажратилган.

Жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш вақтида Жанубий Африка Республикасида 130 мингта янги иш ўрни яратилди. Мамлакатга футбол ишқибозларининг оқиб келиши ЖАР ялпи ички маҳсулоти 2010 йилда 0,4 фоизга ошишига сабаб бўлди.

Жаҳон чемпионатидан тушадиган даромаднинг катта қисмини мезбон мамлакат эмас, балки ФИФА қўлга киритади. Ушбу ташкилотнинг соф фойдаси 3,2 миллиард долларга тенг. ФИФА вакилларининг сўзига кўра, ушбу маблағнинг 75 фоизи бутун дунёда футболни ривожлантириш учун сарфланади.

**Эркин ХОЛБОБО**

# *Офатларнинг олдини олиб...*

**Тадбир** ■ Бугунги кунда инсоният жуда кўп офат ва хуружлар гирдобида қолган. Шулардан бири — ўта хавфли юқумли касалликлардир. Давлатимиз томонидан турли касалликларнинг юртимизга кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриляпти.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан «Республика ҳудудида эпидемик ва эпизоотик вазият ҳамда барқарорликни таъминлаш борасида олиб борилаётган профилактик чора-тадбирлар» мавзусида ўтказилган матбуот конференцияси шу маънода эътиборга моликдир.

Тадбирда республика ҳудудига четдан ўта хавфли юқумли касалликларнинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш ҳамда барқарор эпидемик вазиятни сақлаб туриш юзасидан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тегишли ташкилотлар билан бирга амалга оширилган профилактик чора-тадбирлар, уларнинг натижалари, шунингдек, келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар хусусида оммавий ахборот воситалари ходимларига маълумотлар берилди.

Табиий тусдаги фавқулодда вазиятлар гуруҳига кирувчи эпидемия ва эпизоотияларнинг олдини олиш борасида ижобий ютуқларга эришилишига қарамай, олиб борилаётган профилактик тадбирларни кучайтиришни талаб этадиган ҳолатлар мавжуд. Жумладан, дунё мамлакатларида турли хавфли юқумли касалликлар бўйича нохуш эпидемик ва эпизоотик вазиятлар юзага келаяпти.

Шу боис матбуот конференциясида қўшни давлатларда мавжуд эпидемик ва эпизоотик вазият, республикамизга юқумли касалликларнинг четдан кириб келишининг олдини олиш юзасидан олиб борилаётган профилактик чора-тадбирлар хусусида фикр-мулоҳаза юритилди.

Сир эмас, эпидемиологик ва эпизоотик вазиятнинг кескинлашиши кўплаб одамлар ҳаёти, соғлиги, осойишта турмушига хавф солади. Шу сабабли мазкур йўналишда олиб борилаётган тадбирларни ҳамкорликда ташкил этиш муҳим ҳисобланади.

Ушбу ҳамкорлик республикамизда ташкил қилинган фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими доирасида амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, турли хавфли юқумли касалликларнинг олдини олиш, юзага келган ўчоқларини бартараф этиш мавзуларида махсус-тактик ўқув машқлари ўтказиляпти.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида ташкил этилган эпидемияга қарши штаб билан маълумот алмашинуви йўлга қўйилган. Давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари томонидан ҳудудий эпидемияга қарши штаблар фаолияти назоратга олиниб, улар таркибига Фавқулодда вазиятлар бошқармалари ходимлари киритилган.

Давлат чегарасини кесиб ўтиш жойлари, автомобиль, авиация ва темир йўлларда фаолият юритаётган санитария-назорат ва ветеринария карантин пунктлари ҳолатини ўрганиб чиқиш, уларга услубий ёрдам кўрсатиш ҳамда олиб борилаётган тадбирлар устидан назорат таъминланган.

Матбуот конференциясида республикада барқарор эпидемик ва эпизоотик вазиятни таъминлаш борасида олиб борилаётган профилактик чора-тадбирлар ҳамда келгусидаги режалар ҳақида атрофлича маълумотлар берилди.

**Равшан ШОДИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# «ОТА САЛОМ, ПУЛ ТАМОМ!»

## *айрим талабаларнинг эҳтиёжию сарф-харажати иқтисодий тарбия ҳақида ўйлашга ундайди*

**Мулоҳаза учун мавзу** ■ «Кеча вилоятдаги танишим қўнғироқ қилди: «Дўстим, ўғлимни тартибга чақириб қўйсанг. Ўтган ҳафта унга юз минг сўм юборгандим. Кеча яна қўнғироқ қилиб, яна пул сўради. Билмадим, нега харажати бунча кўпайиб кетди? Ўғлимга тушунтир, пулни шамолга совурмасин! Ҳадеб унга пул юборолмайман, ахир! Уни ўзинг назорат қилиб юр, илтимос!» Мен унинг ўғлини чақириб, отаси юборган пулни бекорчи нарсага сарфламай, тежаб харажат қилишини уқтирдим».

Устозимнинг гаплари мени ҳам ўйлантириб қўйди. Олийгоҳда ўқиб юрган кезларим шартнома пулини тўлаш, қолаверса, кундалик эҳтиёж учун пул йиғаётган, заҳмат чекиб меҳнат қилаётган ота-онам кўз олдимга келди. Болам ўқисин, илм олсин, келажакда керакли одам бўлсин, деб улар жонини жабборга берган. Биз эса онамиз йиғган-терганини, отамиз пешона тери билан топган пулни ўйламай совурганмиз.

Энди билсам, биз ёшлар бекаму-кўст ва ғам-ташвишсиз кечираётган дамлар ортида оила-аъзоларимизнинг минг ташвиши мужассам.

**Муҳаррам ҲОДИЕВА, Ғиждувон агросаноат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси:**

— Ҳар бир ота-она фарзандининг ақлли, истеъдодли, зиёли бўлишини хоҳлайди. Турмуш ўртоғим билан уч нафар фарзандимизни турли олийгоҳларда ўқитдик. Икки қизим Тошкентда, ўғлим Бухорода университетда таълим олди. Уларнинг яхши ўқиши, моддий томондан қийналмаслиги учун кўп ҳаракат қилдик. Касбий меҳнатдан ташқари, экин экиб, чорва боқдик. Шу билан оилавий даромадимизни ошириб, уларнинг эҳтиёжига сарфладик. Фарзандларим талабалигида шуни англадимки, улар пулни ўз ўрнида ишлатишни билмас экан. Бунга сабаб — уларни ўз вақтида пулни эҳтиёжга яраша, иқтисод қилиб сарфлашга ўргатмаганмиз. Аслида, фарзандни болалигидан оила бюджети масалалари билан таништириб бориш лозим экан...

*Донишманддан бир киши сўрабди: — Ўғлим кунига 10 танга топади, аммо бойимайди. Қўшнимнинг ўғли эса кунига 2 танга топади, аммо битиб кетаяпти. Бунинг сири нимада? Донишманд унга: — Ўғлингиз кунига 9 танга, қўшнингизнинг ўғли эса 1 танга харжлайди, — деган экан.*

Киши пулни тўғри сарфласа, оиласининг тўкин-сочинлигини таъминлаган бўлади. Бунинг учун ҳар бир шахс ўз эҳтиёжи даражасини таҳлил қилиб чиқиши керак. Моддий ва маънавий эҳтиёжимизни бирлаштира олсаккина маблағимизни тўғри ва аниқ йўналтирган бўламиз.

Маънавий эҳтиёж моддий эҳтиёж билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, вужудга келган маънавий эҳтиёжни қондириш жараёни моддий эҳтиёжнинг таркибига кирувчи нарсалар ёрдамида амалга оширилади. Бирор буюм сотиб олсаг-у, у манфаатимизга хизмат қилмаса, маънавий эҳтиёжимизни моддий эҳтиёж билан боғлай олмаган бўламиз. Айниқса, қизлар, аёллар бундай «тажриба»ни кўп бора синаб кўрган.

**Шоира ОЛИМЖОНОВА, ЎзМУ иқтисодиёт факультети катта ўқитувчиси:**

— Инсон учун меҳнат шароити, таълим, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат ва уй-жой ҳаётий зарур неъмат ҳисобланади. Бу эҳтиёжларни қондиришда оилавий даромад даражаси муҳим ўрин тутади. Турмуш тарзини фаровонлаштириш доимий меҳнат, шунингдек, бўш вақтдан оқилона фойдаланиш, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этиш каби масалалар билан боғлиқ. Киши ақлий ва жисмоний салоҳиятига қараб фаолият юритади. Шу асосда моддий маблағга эга бўлади. Уни шакллантириб бориш ёки эҳтиёж учун мақсадли-мақсадсиз сарфлаш иқтисодий тарбияга бевосита боғлиқ. Бу масалада ёшларимиз бироз оқсаяпти. Бундай вазиятда, кичик масалалар катта муаммолар келтириб чиқаради. Ёшлар, айниқса, талабаларнинг кундалик харажатлари жуда кўп. Куни кеча бир талаба дарс тайёрламай келди. Сабабини сўрасам, китоби йўқ экан, катта дарсликнинг мавзуга оид саҳифасидан нусха кўчириб олишга ҳам пули йўқ эмиш! Мен қўлингиздаги телефон учун ҳар куни қанча пул сарфлайсиз, деб сўрадим. У камида бир ярим-икки минг сўм харжлашини айтди. Кундалик қўнғироқларни камайтириб, унга кетган маблағни маънавий эҳтиёж учун сарфлаш мумкин-ку?! Бу талаба ҳаётидан бир мисол, холос. Бундай майда ва мақсадсиз харажатлар уларнинг кундалик ҳаётида кўп учрайди. Шу туфайли улар ҳар ҳафта ота-онасига «ота салом, пул тамом» деган «нома» юборишади. Албатта, уларга иқтисодий таълим бериш биз, мураббийларнинг вазифаси. Аммо уни амалда қўллаш учун талабадан қунт ва уқув, энг муҳими, ҳаётга жиддий қараш талаб этилади...



*Биз ёшлар бекаму-кўст ва ғам-ташвишсиз кечираётган дамлар ортида оила-аъзоларимизнинг минг ташвиши мужассам.*

*Илм олиш машаққатини буюк аждодларимиз, алломаларимиз ҳаётидан ҳам билишимиз мумкин. Буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино бутун ҳаётини илмга бағишлаган. Ёшлигида ўйнаб-кулиш ўрнига, чўл-биёбонларда гиёҳлар териб, дори-дармон тайёрлаган. Бу қанчалик меҳнат ва матонат талаб этади. Қолаверса, ўзи тайёрлаган дори-дармонни қўллаш, жарроҳлик илмини эгаллаш учун уйқу билмай изланган.*

Абу Райҳон Беруний бобомиз отасидан эрта етим қолади. Онаси ўтин сотиб, уни боқади. Ана шундай оғир муҳитда улғайган Беруний меҳнат ва сабр-тоқат билан илм-фан чўққиларини забт этган. Бугунгидай бекаму-кўст шароитда эса кичик муаммоларни баҳона қилиб, илм олиш заҳматидан ўзини четга олаётганлар оз эмас.

**Ёрқиной УМАРОВА, ЎзМУ журналистика факультети 3-курс талабаси:**

— Айрим талаба қизлар чиройли кийиниш, ўзига оро беришга рўжу қўяди. Ҳатто бу борада кимўзарга баҳслашади. Бунга харажат эса, албатта, ота-онамизнинг маблағидан сарфланади. Талаба қизларнинг ҳаммаси ҳам ўзи ишлаб пул топмайди. Инсон қачонки, ўзи ишлаб пул топса, уни мақсадли сарфлайди, қадрига етади.

*Янги оила қурган пайтда аёлнинг «иқтисодчи»лиги жуда муҳим. Чунки сарф-харажатни билмаган аёл оила бюджети масалаларида камчиликларга, ортиқча харажатларга йўл қўйиши табиий.*

Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Ассалом, Ўзбекистон» дастурида икки йилдан буён фаолият юритаман. Бу билан молиявий аҳволимни яхшилаб қолмай, касбий маҳоратимни ҳам ошириб бораман. Шартнома пулини тўлашга ота-онамнинг қурби етади, аммо уларга оғирлигим тушишини истамайман. Мустақил бўлишни хоҳлайман.

**Иброҳим МАҲМУДОВ, психология фанлари номзоди, доцент:**

— Ҳозир юқори босқич талабалари ўз соҳасида меҳнат қилиб, ўз тирикчилигини ташкил этиши одатга айланмоқда. Бу — яхши. Мазкур ҳолатда у ўз имкониятларини рўёбга чиқаради, тажриба тўплайди, чинакам етуклик палласига қадам қўяди. Иккинчи томондан ёшлар ҳаётидаги бундай вазият бўлажак мутахассис сифатида улар учун маълум синов ҳамдир. Кимдир бундай меҳнатни мўмай пул орттириш ва шахсий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирса, баъзилар ҳаётдаги ўрни ва мақомидан келиб чиққан ҳолда, яқинларига ёрдам бериш ёки топганини касбий мукаммалликка эришиш йўлида сарфлайди. Назаримда, ёшликда пул топиш ва уни қандай сарфлаш қайсидир маънода шахс маънавиятини шакллантиради. Биз мана шу даврда ёшларга кўмак беришимиз керак. Беш бармоқ баробар эмас. Бу даврда бойликка мук кетадиган ёшлар ҳам бўлади. Аммо топган пулини ҳаётининг маънавий мазмунини бойитишга йўналтирадиган ёшлар ҳам кўп.

*Молиявий ресурс ҳаётдаги энг катта бойлик — илмий ва маънавий салоҳиятни оширишга, орзу-ҳавасларни рўёбга чиқаришга, касбий ва ҳаётий тажрибани бойитишга сарфланиши зарур.*

**Алишер ЮСУПОВ, иқтисодчи:**

— Ёшлигидан шахсий жамғармани йўлга қўйган кишининг жамиятда ўрнини топиши осон бўлади. Ўқиш жараёнида меҳнат фаолиятини бошлаган ёшлар оилавий бюджетини ҳам, ёрқин келажагини ҳам таъминлайди. Ёшларга шундай маслаҳат берган бўлардим: ўз олдингизга аниқ мақсад қўйиб яшанг, баланд довонларга интилинг. Мақсад сари дадил ҳаракат қилинг. Шунда ҳаётда учраган муаммолар арзимас нарсалар экани ойдинлашади. Ҳаётингизни меҳнат билан, изланиш ва интилиш билан боғласангиз, кам бўлмайсиз. Қўлингиздаги маблағни ўзингизнинг, оилангизнинг истиқболи учун қанчалик тўғри сарфлаётганингиз доимо ёдингизда бўлсин!..

*Ота ўғлига пул бериб: «Бунга шундай нарса харид қилгинки, ўзимиз ҳам, мол-қўйларимиз ҳам, паррандаларимиз ҳам тўядиган бўлсин», дебди. Ўғил уйга қовун олиб келибди. Отаси сабабини сўраса, у: «Қовунни ўзимиз еймиз, пўчоғини мол-қўйга, уруғини паррандаларимизга берамиз», деган экан.*

Бу ҳам иқтисодий тарбиянинг бир кўриниши. Ёшлигидан тежамкорлик, иқтисодни ўрганган бола кейин ҳам шундай йўл тутади. Аммо кўпчилик ота-она фарзандидан ҳисоб талаб қилмайди. Пулни нимага, қанча сарфлаганини сўрамайди. Бу эса боланинг пулга нисбатан эътиборсиз муносабатини шакллантиради. Киши пул топишни ҳам, уни тўғри сарфлашни ҳам билиши керак. Бундай тамойилни биринчи галда оилада шакллантириш зарур. Албатта, бунда ҳар бир хонадонда иқтисодий тарбияни изчил йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 649
8241 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 20.45
Topshirilgan vaqti — 23.35
1 2 4 5
Sotuvda erkin narxda